

## ЁШЛАР РЕЦИДИҚ ЖИНОЯТЧИЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАР МЕХАНИЗМИ

*Мансурова Исмигул Алижон қизи*  
Ўзбекистон Республикаси Академияси Кундизги таълим  
“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти”  
йўналиши 3-босқич 316-гуруҳ курсанти



**Аннотация:** Ушбу мақолада рецидив жиноятчилик, ёшлар жиноятчилиги ҳамда уларнинг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар, республикада содир этилаётган ёшлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ёритилган.

**Калит сўзлар:** жиноятчилик, ёшлар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, олдини олиш чора тадбирлари, ёшлар рецидив жиноятчилиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари.

### Ёшлар рецидик жиноятчилиги ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлар механизми

Дунёда ёшлар жиноятчилиги билан боғлиқ қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциясида<sup>1</sup> ва ҳар бир давлатнинг миллий қонун ҳужжатларида белгиланган. Дунё аҳолисининг 30 фоизини<sup>2</sup> ёшлар ташкил этаётган бугунги кунда ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш зарурати мавжуддир, чунки ҳар йили рецидив жиноят содир этган 1 миллион 50 мингдан ортиқ ёшлар ваколатли органлар томонидан назоратга олинади<sup>3</sup>. Жумладан, Европа давлатларида ёшларнинг учдан бир қисми илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноятлар содир этаётганликлари рўйхатга олинмоқда. Ушбу ёшларнинг 300 мингтаси янги содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилиш жойларига қайтарилмоқда<sup>4</sup>. Мазкур ҳолатлар ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасини такомиллаштиришга оид муаммоларнинг ечимини топиш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Жаҳонда рецидив жиноят содир этган ёшларнинг хулқ-атворини (таъсирчан) назорат қилиш, уларнинг ахлоқини тузатиш ва қайта тарбиялаш, жамиятга ижтимоий мослаштириш, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, ёшлар рецидив


<sup>1</sup> <https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&url=https://www.lex.uz/acts/1297315&ved=2ahukewjowvpg6lqahur4aqkhrgrdneqfja begqia hac&usg=aovvaw3svbecffp1vvr1uia-r8v>.

<sup>2</sup> <https://daryo.uz> (20.12.2019 йил).

<sup>3</sup> <https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&url=http://wp.unil.ch/space/files/2017/03>.

<sup>4</sup> <https://www.pewtrusts.org/en/research-and-analysis/articles/2018/10/31/1-in-55-us-adults-is-on-probation-or-parole>.

жиноятчилигининг сабаблари ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикаси самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Рецидив жиноятчиликка бўлган қизиқиш унинг умумий ҳуқуқбузарликлардаги “ҳисса”сининг стабиллиги, жиноят содир этганлар ичида илгари судланган шахслар сони ва рецидивист деб топилганларда антиижтимоий хулқнинг барқарор эканлиги билан боғлиқдир. 2020 йилда содир этилган ёшлар жиноятчилигини ўрганганимизда қуйидагиларни аниқладик:



Рецидив жиноятчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу тоифадаги шахсларнинг тузилишидан келиб чиқиб аниқланади. Жиноий фаолиятдан воз кечишни истамаслик тадқиқ этилаётган жиноятчилик ва жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилигини белгилайди. Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёти, мамлакатнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб бериш борасида мустахкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига мос равишда такомиллаштириб борилмоқда. Ёшларни тўғри тарбиялаш устувор масала. Қонунларни кучайтириш, жазони қаттиқлаштириш ҳам керак. Лекин бу билан жамиятдаги муаммони ҳал этиб бўлмайди. Ҳаммасини болалиқдан, тарбиядан бошлаш керак. Ёшларда соғлом

фикрлаш ва миллий ғоя куртакларини шакллантириш жуда муҳимдир. Ўзликни англаш ғоясини амалга ошириш лозим. Ёшларнинг ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишига эришиш керак. Шунда миллат тўқис бахтга эришиш мумкин. Ёшлар вақтларини бекор ўтказмаслиги лозим чунки, ёшлик умрнинг энг бебаҳо даври ҳисобланади. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг қонуний асослари яратилган бўлса-да<sup>5</sup>, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида қатор муаммолар ҳанузгача мавжуд. Маълумки, ёшлар жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож доимо эътибор ва парвариш талаб қиладиган қатламидир. Ёшлар рецидив жиноятчилиги тушунчасини таҳлил қилишдан аввал «ёшлар», «ёшлар рецидив жиноятчилиги», «ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси» тушунчалари мазмунига аниқлик киритиш жоиз. Биз, ёшлар деганда кимларни тушунамиз? Бинобарин, амалдаги қонунлар ва юридик адабиётларнинг таҳлили «ёшлар» тушунчасига ёш таснифларидан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф берилганлигини кўрсатади. Хусусан, БМТнинг 1989 йилда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясининг 1-моддасида «... бола 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсондир»<sup>6</sup>, дейилади. Жиноят-ҳуқуқий муносабатларда умумий жавобгарлик 16 ёшдан, оғир жиноятларда 14 ёшдан, баъзан 13 ёшдан пайдо бўлади (масалан, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатда қасддан одам ўлдириш учун). Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (14.10.2016) қонунида ёшларга – 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслардир (3-м.),<sup>7</sup> деб таъриф берилган. Ҳолбуки, «ёшлар» атамаси 14–30 ёшдаги шахсларни қамраб олса-да, айрим қонунлар ва юридик адабиётларда вояга етмаганлар (14-17 ёш), ёшлар (18-25 ёш), ўрта ёшдагилар (30-40 ёш) каби гуруҳларга ажратилган<sup>8</sup>. Зеро, Қ.Р. Абдурасулованинг фикрига кўра, ёшларни ривожланишнинг руҳий-физиологик кўрсаткичларига асосан таснифлаш одам ҳаёт цикли ўзгариш босқичларининг қуйидаги занжирини ўз ичига олади: ўспиринлик (12-15 ёш); ўсмирлик (16-19 ёш); ёшлик (20-30 ёш); ўрта ёш (30-40); қарилик; мўйсафидлик<sup>9</sup>. «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида» «ёшлар»га «навқирон йигит-қизлар»<sup>10</sup>, деган таъриф берилган. Шунингдек, хорижий давлатлар қонунларида «ёшлар»нинг қуйидаги ёш чегаралари

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни // <http://lex.uz>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги 1992 йил 9 декабрь қарори // <https://lex.uz/docs/2595909>.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни // <http://lex.uz>.

<sup>8</sup> Криминология / Профессор З.С.Зарипов таҳрири остида. – Т., 2007. – Б. 164.

<sup>9</sup> Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 305 б.

<sup>10</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати / 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). – Б. 469.

белгиланган: 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар (Россия Федерацияси)<sup>11</sup>, 14 ёшдан 29 ёшгача бўлган фуқаролар (Қозоғистон Республикаси)<sup>12</sup>, 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган фуқаролар (Қирғизистон Республикаси)<sup>13</sup>, 14 ёшдан 31 ёшгача бўлган фуқаролар (Беларусь Республикаси)<sup>14</sup> ва 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган фуқаролар (Украина)<sup>15</sup>. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, «ёшлар» деганда миллий ва хорижий қонун нормалари асосида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахсларни тушуниш мақсадга мувофиқ, чунки ёшлар масаласининг стратегик аҳамиятидан келиб чиқиб, ёшлар рецидив жиноятчилигини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишда, албатта ёш категориясининг босқичларига тўхталиш тўғри бўлади. Тадқиқот жараёнида ёшлар рецидив жиноятчилигини ўрганиш мақсадида ўтказилган социологик сўровларда ҳам ушбу маълумотлар ўзининг тасдиғини топди.

Хусусан, ички ишлар органларининг таянч пункти профилактик инспекторларидан «Сиз хизмат олиб бораётган ҳудудда ёшлар рецидив жиноятчилигини асосан кимлар содир этишмоқда»? деб сўралганида уларнинг 76,2% эркаклар, 23,8% аёллар томонидан содир этилишини маълум қилишган.

Фикримизча, ёшлар рецидив жиноятчилигининг содир этилишида аёлларнинг ҳиссаси ҳам мавжуд бўлиб, унинг латентлик даражаси анча юқорироқ бўлиши мумкин. Мисол учун, оилада аёлларнинг илгари қасддан содир этган бирор-бир жинояти учун судланганидан сўнг янгидан ҳар қандай жиноят содир этган тақдирда ҳам бу ҳақида жабрланаётган ёки азият чекаётган фуқаролар ёрдам сўраб ҳеч Хуллас, юқорида келтирилган ёш рецидивистларга хос хусусиятларни инобатга олиб, шунингдек амалиётдаги «ёш рецидивист» тушунчасининг моҳияти билан боғлиқ тушунмовчиликларга барҳам бериш, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш ва ёш рецидивистлар билан ишлашга масъул бўлган мутасадди ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида қуйидагича таъриф бериш мумкин. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятнинг асослари тўғрисида»ги 2014 йил 4 январдаги қонуни (1-м.)<sup>16</sup>, Қирғизистон Республикасининг «Қирғизистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар

<sup>11</sup> Российская Федерация Федеральный Закон О Государственной молодежной политике Российской Федерации. 2017 7 марта. [http://youthrussia.ru/wp-content/uploads/2018/02/proect\\_fz\\_molodej.pdf](http://youthrussia.ru/wp-content/uploads/2018/02/proect_fz_molodej.pdf)

<sup>12</sup> Закон Республики Казахстан от 9 февраля 2015 года № 285-V «О государственной молодежной политике» (с изменениями по состоянию на 07.07.2020).

<sup>13</sup> Закон Кыргызской Республики «Об основах государственной молодежной политики» от 31 июля 2009 года № 256 (<http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/>).

<sup>14</sup> Закон Республики Беларусь Об основах государственной молодежной политики от 7 декабря 2009 г. [https://by.com/zakon\\_rb\\_ob\\_osnovah\\_gosudarstvennoj\\_molodezhnoj\\_politiki.htm](https://by.com/zakon_rb_ob_osnovah_gosudarstvennoj_molodezhnoj_politiki.htm)

<sup>15</sup> Закон Украины от 5 февраля 1993 года № 2998-XII «О содействии социальному становлению и развитию молодежи в Украине».

<sup>16</sup> Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-3 «Об основах деятельности по профилактике правонарушений» // Сборник законов о профилактике правонарушений стран Содружества Независимых Государств / Сост.: А.С. Турсунов, И.Ю. Фазилов, С.Б. Хужакулов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – С. 74.

профилактикаси тўғрисида»ги 2005 йил 25 июндаги қонуни (1-м.)<sup>17</sup> нормалари тажрибалари асосида амалиёт ҳолатларини ўрганиш, рецидив жиноятчиликни содир этган ёшларга хос хусусиятлар нуқтаи назаридан умумлаштириш асосида қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин:

1) ёшлар рецидив жиноятчилигининг профилактикаси жиноятчилик профилактикаси субъектларининг фаолияти бўлиб, профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширилишидир;

2) профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари маълум мақсадга йўналтирилади;

3) рецидивист ёшларда қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик муносабатини шакллантириш;

4) ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт олдини олиш;

5) ёшлар рецидив жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш (зарарсизлантириш);

6) рецидив жиноятлар содир этишга мойил бўлган ёшларнинг ҳуқуқ-атворини тузатиш;

7) ёшларнинг рецидивистлар таъсирига тушиб қолмасликларининг олдини олиш.

Шунинг учун ҳам ёшлар рецидив жиноятчилигининг барвақт олдини олишда: жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган ёшларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш; уларда меҳнатга ижобий муносабатни ривожлантириш, жазони ўтаб қайтган ёшларни ўз вақтида иш билан таъминлаш; зарур ҳолларда меҳнат органлари билан ҳамкорликда ёшларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш орқали ишга жойлаштиришни йўлга қўйиш каби профилактика чора-тадбирларининг олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

**Ёшлар рецидив жиноятчилик профилактикасининг ташкилий чора-тадбирлари** йўналишида профилактика субъектлари фаолиятини режалаштириш, тадбирларни ташкил этиш, ушбу фаолиятни назорат қилиш, ишларни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш кабиларни қамраб олиши лозим. Шу боисдан қуйидагиларни ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасининг ташкилий чора-тадбирларига қуйдагиларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1) ёшлар рецидив жиноятчилигининг олдини олиш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

<sup>17</sup> Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 «О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике» // Сборник законов о профилактике правонарушений стран Содружества Независимых Государств / Сост.: А.С. Турсунов, И.Ю. Фазилов, С.Б. Хужакулов. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2018. – С. 113.

2) ёшлар томонидан содир этилган рецидив жиноятлар профилактикасини амалга ошириш бўйича малакали , қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

3) мазкур субъектлар ходимларининг ёшлар билан ишлаш фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона мезонларни ишлаб чиқиш.

Бизнингча, ушбу фаолиятда имкон қадар бошқа чора-тадбирларга ўрин қолдириш керак эмас, чунки бошқа чора-тадбирлар мавҳум бўлиб, уларнинг ўлик қоида сифатида ишламаслиги эҳтимоли юқоридир.

**Ёшлар рецидив жиноятчилиги профилактикасининг ҳуқуқий чора-тадбирлари** йўналишида ушбу жиноятчиликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда қонунийлик таъминланишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу борада улар онгига таъсир қилувчи чора-тадбирлар тизимига эга ҳуқуқий тарбия ва қонун ижодкорлиги кабиларнинг ўрни ва роли катта аҳамият касб этади. Хусусан:

1) ёшларни жиноят содир этишдан тийилишга мажбур қилувчи ёки ундан ихтиёрий қайтишга, жумладан улар томонидан рецидив жиноятчилик содир этишга таъсир қилувчи қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

2) ёшлар ўртасида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ва улар онгида маълум ҳуқуқий тушунчани шакллантириш;

3) ёшлар муносабатларини тартибга солувчи, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётган амалдаги қонун ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бугунги ва эртанги кунимизнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

4) махсус ҳуқуқий телекўрсатувлар тайёрлаш ва шу орқали ёшларни жиноят содир этишнинг оқибатлари нечоғли аянчли эканлигини кўрсатиш.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳуқуқшунос олимларнинг бундан бир неча аср аввал «Ҳуқуқни англаш масъулият ҳиссини ривожлантиради», деб айтган ҳикматли сўзлари ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак<sup>18</sup>, деб таъкидлади.

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: <http://uz.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Зиёдуллаев М.З., Исаев С.А. Ҳуқуқбузарликлар профилактика-сининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўлида // Qalqon. – 2015. – № 1. – Б. 7–11.
2. Исмаилов И. Тошкентда «Хавфсиз пойтахт» концепцияси асосида жамоат тартибини, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни таъминлашнинг 204ила тизими // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2018. – № 3. – Б. 31–36.
3. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / И. Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев. – Т., 2017. – 254 б.
4. Қонун устувор, адолат барқарор бўлса, жиноятчиликка ўрин қолмайди // [Электрон манба]: <http://www.uzlidep.uz/news-of-uzbekistan/3831> (мурожаат вақти: 10.06.2019 й.).
5. Фазилов И.Ю. Жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишга доир нормалар таҳлили ва уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Т., 2018. – № 1. – Б. 79–84.
6. Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: юрид. фан. д-ри (DSc) дис.... автореф. – Т., 2017. – Б. 15.
7. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик 204илан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: юрид. д-ри. ..дис. – Т., 2016. – 338 б.
8. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. б-ча фалсафа д-ри (PhD) дис.... автореф. – Т., 2018. – Б. 20.
9. Липич Т.И., Лыков Э.Н. Молодежная преступность: культурологический аспект (общий обзор причин молодежной преступности) // Вестник Белгородского юридического института МВД России. – 2019. – № 2. – С. 34-38.
10. Спиридонов М.С. Преступность несовершеннолетних и молодежи: взаимная связь и различия / Актуальные проблемы права: материалы междунар. Науч. Конф. (г. Москва, ноябрь 2011 г.). – Москва, 2011. – С. 17-20.
11. Абдурасулова Қ.Р., Ниёзова С.С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б.51.